

ISSN 2181-1601

SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME # 1 ISSUE # 6

2021/IV

ACCEPTANCE AREAS OF THE JOURNAL

- mathematics, physics, informatics;
- chemistry, ecology, geography;
- advances in biology and medicine;
- history, law, aesthetics;
- philology and language teaching;
- physical education and sports;
- music, art and culture;
- philosophy, logic and sociology;
- architecture and economics;
- pedagogy, psychology, defectology

www.scientificprogress.uz



SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME #1, ISSUE #6, APRIL 2021

ISSN: 2181-1601



UZBEKISTAN

БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНING ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Алишер Тўлис ўғли Очилов

Бухоро давлат университети таянч докторанти, Бухоро тарихи кафедраси
ўқитувчиси
Galaktikos2191@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Кишилиқ тарининг илк босқичларидан бошлаб, дунёнинг турли маконлари сингари Бухоро воҳасида ҳам инсония истиқомат қилиб келмоқда. Воҳанинг географик хусусиятлари ва табиий шарт-шароити ибтидоий жамоаларнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, моддий ва маънавий маданиятига таъсир кўрсатмай қолмаган. Сабаби ҳар бир ҳудуд қадимги аجدодларнинг яшаш турмуш тарзи ва ҳўжалигининг ривожланишига, мустақамланишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам қайси маконни тадқиқ қилар эканмиз инсониятнинг шу ҳудудга келиб жўйлашишида табиатнинг маълум қонуниятларига бўйсунганлиги, инсон билан табиатнинг ўзаро алоқадорлигини кўришимиз мумкин. Шундай ҳудудлардан бири Бухоро воҳаси (Қуйи Зарафшон воҳаси) ҳисобланади. Бу ерда антропоген ландшафтнинг вужудга келишида Зарафшон дарёси ва воҳанинг тарихий география муҳум аҳамият касб этади. Буни ўлкадаги археологик объектларда олиб борилган илмий тадқиқот натижаларидан билиб олишимиз мумкин. Қуйи Зарафшон воҳаси қадимги ўзанлари ҳавзасидан топиб текширилган ибтидоий жамоа маконларининг жойлашиш топографик ҳолати жамоалар турмуш тарзида сув ҳавзаларининг хусусан Зарафшон дарёсининг ўрнини кўрсатиб беради. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки Бухоро воҳасида инсониятнинг келиб жойлашишида ва ҳудуднинг тарихий географиясини акс эттирилишида Зарафшон дарёсининг ўрни бекиёс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу мақолада шу жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, Зарафшон дарёси, Амударё, тарихий география, плейстоцен, голоцен.

THE ROLE OF THE ZARAFSHAN RIVER IN THE FORMATION OF THE BUKHARA OAK AND SOME CONSIDERATIONS ON THE HISTORICAL GEOGRAPHY OF THE OAKH

Alisher Tolis ugli Ochilov

Basic doctoral student of Bukhara State University, teacher of Bukhara history department
Galaktikos2191@mail.ru

ABSTRACT

From the earliest stages of human history, humanity has been living in the Bukhara oasis, as well as in other parts of the world. The geographical features and natural conditions of the oasis did not go unnoticed by the lifestyle, labor activity, material and spiritual culture of the primitive communities. The reason is that each region contributes to the development and strengthening of the way of life and economy of the ancient ancestors. Therefore, when we study any space, we can see that in the settlement of mankind in this region, it is subject to certain laws of nature, the interaction of man and nature. One of such areas is Bukhara oasis (Lower Zarafshan oasis). The historical geography of the Zarafshan River and the oasis plays an important role in the formation of the anthropogenic landscape here. We can learn this from the results of scientific research conducted on archeological sites in the country. The topographic location of the primitive communal sites found in the basins of the ancient rivers of the Lower Zarafshan oasis shows the location of water basins, especially the Zarafshan River, in the way of life of communities. Therefore, we can say that the role of the Zarafshan River in the Bukhara oasis is unique in the origin of mankind and the reflection of the historical geography of the region. That is why this article covers these aspects.

Keywords: Bukhara oasis, Zarafshan river, Amudarya, historical geography, Pleistocene, Holocene.

КИРИШ

Ўрта Осиёнинг йирик деҳқончилик маконларидан бири Бухоро воҳаси ўз географик жойлашувига кўра қадимдан Шарқ билан Жануби-ғарб мамлакатларини боғловчи савдо-иқтисодий ва маданий кўприк вазифасини бажариб келди. Бухоро воҳаси дунёга кўплаб йирик кашфиётлар, янгиликлар берган Хитой цивилизацияси ва Қадимги Шарқ худудларининг маданий-хўжалик таъсиридан баҳраманд бўлиб ривож топди. Шунинг билан бирга асрлар оша тарихий тараққиёт давомида водий ўзига хос ўринга эга бўлиб, юксак деҳқончилик маданияти, ривожланган хунармандчилик ва савдо-сотик марказларидан бири бўлди.

Бухоро воҳасида ўз даврида ҳозирги Бухоро вилояти ва Навоий вилоятининг жуда катта худудини ўз ичига олган бўлиб, инсоният бу ерда тош давридан бошлаб истоқомат қилиб келган. Воҳанинг асосий сув манбаи

Зарафшон дарёси, Амударё (мил.ав. 3 мингйилликга қадар), Қашқадарё сув ҳавзалари ҳисобланган. Лекин, Амударё ва Қашқадарёлардан фарқли равишда, воҳа шаклланиши ва суғорма деҳқончиликнинг тараққий этишида Зарафшон дарёсининг ўрни беқиёс ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Зарафшон дарёсининг шаклланиши ер шари тарихини геологик даврлаштиришдаги “Плейстоцен” даврида, археологик даврлаштиришнинг “Палеолит” даврига бориб тақалади. Бу даврда Ўрта Осиёда Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари вужудга келади. Ўз даврида бу дарёлар Каспий денгизига қуйилган бўлиб, уларнинг худуди жанубда Помир-Олой, шимолда Тянь-шан, ғарбий томонда Ҳиндикуш ва Копет тоғ тизмалари шаклида чўзилиб, Кавказ ва Каратайда Элбурс билан боғлаб, жануби-ғарбий Тянь-Шандан, шимоли-шарқий Орол денгизигача бориб етган.

Зарафшон дарёси шимолдан Туркистон, жанубдан Ҳисор ҳамда Зарафшон тизмалари туташган ерда 3154 метр баландликда жойлашган Зарафшон музлиги(музликнинг узунлиги 24,7 км, кенглиги 1,7 км бўлиб, қалинлиги 200 м ни ташкил қилади [1])дан бошланиб[2], ғарбда Қизилқумнинг Сандикли кумигача (781 км) чўзилган. Зарафшон водийси худуди аста-секин кенгайиб бориб, дарёсининг энг юқори қисмида унинг эни 4-5 км. ли бўлиб, Киштутсойнинг Зарафшонга қуйиладиган жойидан ҳавза яна тораяди. Ундан куйида эса водий яна кенгая бориб, Бухоро воҳаси худудларида унинг эни 60-70 км гача бориб етади[3]. Зарафшон водийсининг Ўзбекистон қисмидаги узунлиги 480 км га яқин бўлиб, айнан шу худудлар бўйлаб мана шу масофада тарихий даврларда Самарқанд, Бухоро ва Қорақўл воҳалари ташкил топган.

В.Л.Шульц асарларида Зарафшон дарёсини Амударёнинг қадимги ирмоғи деб айтиб ўтади[4]. Ҳақиқатдан ҳам Голоцен даврида неотектоник жараёнлар фаол кечиши натижасида Турон плитасининг жанубий минтақаларида ўсиш тезлашади.

Пойканд Қорақўл массиви бирмунча кўтарилади. Зарафшоннинг қадимий оқими Бухоро воҳасида дамланиб, ҳозирги Яккатут яқинида Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб Қизилқумнинг ичкарасига томон уриб кетади. Бу икки қадимий ўзан бўйлаб у Чуқурқўл, Моҳонқўл, Уртақўл, Чандирқўл, Замонбобо, Кичиктузкон, Каттатузкон, Лўхли, Оғачуюк, Қандирли, Қайикли, Қурбонбой, Раҳматбобо, Кичикпорсон, Каттапорсон ва Эчкиқирон каби бир қанча қўллар занжирини ҳосил қилади. Сўнгра 150 км масофада бутун Урганжий даштини кесиб ўтиб, Оқрабод ва Нарғизқалъа деган жойларда Амударёга бориб қуйилади. Қадимда Зарафшонни Амударё билан туташтирган Моҳондарёнинг сувсизликдан

кейинчалик куриб қолган кўхна ўзанлари ҳозирги вақтда тамоман куруқ ва усти пўрсик шўр ҳамда атрофи юлғун босган кўллар орасида деярли билинмай кетган бўлса-да, аммо чўл бағрида, хусусан, барханлар остида жуда яхши, сақланган. Баъзи жойларда унинг кенглиги 30, чуқурлиги эса 1,5-2 метрга боради.

Мохондарёнинг ўзанларидан бири Амударёнинг ўнг қирғоғига жойлашган Наргизқалъа яқинида тўртта арнага ажралиб, дельта ҳосил қилади ва чуқур ҳамда кенг жарликлар орқали Амударёга бориб туташади. Жарликларни маҳаллий аҳоли «сувлот» деб атайдди. Улардан биринчиси Охурсувлот, иккинчиси Жилғиндисувлот ёки Юлғунлисувлот, учинчиси Шўрсувлот ёки Ойхонсувлот, тўртинчиси Сувлисувлот ёки Дигисувлот номлари билан машҳур. Бу сувлотларнинг эни 75-125, чуқурлиги эса 15-20 метрга тенг. Моҳондарёнинг яна бир ўзани Наргизқалъадан 18км жануби-шарқда жойлашган Оқрабод мавзеи яқинида Шўрётқок, Сарибой, Поянда, Қумсувлот ва Жарсувлот каби бешта тармокка бўлиниб, у ҳам Амударёга бирлашади[5].

МУҲОКАМА

Милоддан аввалги 6-5 мингйилликларда Зарафшон дарёси Амударёга қуйила бошланиши натижасида Зарафшоннинг делта қисми ҳам одамлар яшаши учун қулай ҳудудга айлана бошланади. Натижада ҳудудларни аҳоли томонидан ўзлаштириш бошланади.

Голоцен даврида Бухоро воҳаси ҳудудида яшил даштлар, кўплаб кўллар ва каналлар мавжуд бўлган. Ҳайвонот дунёсида қушлар ва балиқлар жуда кўп бўлган. Зарафшон водийсида ҳали суғорма деҳқончилик вужудга келмаганида дарёнинг барча сувлари Бухоро воҳаси томон интилган. Мил.ав. 3 минг йилликка келиб Марказий Осиёда иқлим ҳарорати исиши оқибатида, Бухоро воҳасида чўлланиш бошланади[6]. Шу даврдан бошлаб воҳада Зарафшон дарёсининг аҳамияти ҳар қачонгидан ортади. Бухоро воҳасининг шимолий-шарқий ва марказий қисмлари аҳоли томонидан ўзлаштирилиши натижасида Зарафшондан сув олган Бухоронинг ғарбий қисмидаги Моҳондарё, Гурдуш, Гужайли, Замонбобо кўли, Чуқуркўл, Ўртақўл ва бошқа сув ҳавзалари қурийдди. Ҳудудлардаги сувли кўллар тузконларга айланади.

Мил.ав. 3 минг йилликка келиб Марказий Осиёда иқлим ҳарорати исиши оқибатида, Бухоро воҳасида чўлланиш бошланади[7]. Натижада Зарафшон дарёсининг суви Амударёгача бормай қолади ва Зарафшон дарёсининг сувининг кадри Бухоро воҳаси учун ҳар қачонгиданда ортади.

Ҳозирги Навоий шаҳридан қуйироқдан бошлаб, Зарафшон деярли ҳар икки томондан ўраб олинган чўллар орасида қолади. Дарёнинг ўнг соҳили бўйлаб Конимех чўлининг жанубий қисмлари суғорилган[8], дарёнинг бу ўзани

В.А.Шишкин томонидан Конимех ариғи деб номланган[9]. Зарафшоннинг чап соҳили бўйлаб Чўлималикнинг шимолий қисмини сув билан таминлаб Ҳазора дарбандига оқиб киради[10].

Ҳазора дарбандидан чиққач, у ўз водийсининг қуйи қисми томон йўл олади. Водийнинг қуйи қисмига кириши билан Зарафшон дарёсининг оқим йўналиши жануби-ғарб томон бурилади. Шу йўналишда у конуссимон шаклда Бухоро воҳасини ҳосил қилади.

НАТИЖА

Зарафшон дарёси Бухоро воҳасига киргач дарёдан унинг энг қадимги йирик табиий ирмоғи Вобкентдарё ажралиб чиқади. Вобкентдарё ҳақида Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ҳам маълумотлар учрайди. Наршахий асарида Вобкентдарё “Хифрат” номи билан аталиб “Ҳамма анҳорни халқ қазиган, аммо Хифрат анҳорининг қазилишида халқ заҳмат чекмаган, сувнинг ўзи уни ўйиб қазиган”-деб такидлайди. Вобкентдарё ўз навбатида бир қанча ирмоқларга бўлиниб 40 минг гектар майдонни сув билан таъминлаган[11], бу ҳудудлар ҳозирда Бухоро вилоятининг Вобкент, Ромитан ва Жондор туманларига тўғри келади.

Вобкентдарёдан 10 км қуйида Бухоро ва унинг атрофини сув билан таъминлаган Шоҳруд канали бош олади. Бу жой Дуоба номи билан аталади[12]. Қадимда Зарафшон дарёсининг дельтаси Амударёгача бориб етишганлигини Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида қадимги ирмоғи Моҳондарё фаолиятидан кўришимиз мумкин[13]. Моҳондарё Қоракўлдарёнинг ўнг қирғоғидан шимоли-ғарбга томон ажралиб чиқади ва воҳани сув билан таъминлайди. Воҳанинг жанубий-ғарбий қисми ҳам Зарафшон дарёси сабабли, аҳоли яшаши учун қулай макон ҳисобланган.

ХУЛОСА

Бухоро воҳаси 4 томондан чўл билан чегараланган ҳисобланади. Воҳа шимолий қисмдан Қизилқум атрофидаги Ичкиликүм чўли билан, шарқий қисмдан ноёб ўсимликлар ўсувчи Чўлималик билан, жанубдан Канобчўл билан (ҳозирда Самарқанд вилоятига тўғри келади), ғарбда эса Қизилқум чўли билан чегарадош. Бухоро воҳаси табиий-географияси шаклланишида, минг йиллар мобайнида ўзлаштириб, обод этилган суғорма дехқончилик ерларининг сув билан таъминлашда Зарафшон дарёсининг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этганини, воҳада дарёдан 35та магистрал каналлар оқиб чиққанидан ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун, тарихчилар томонидан “Бухоро-Зарафшон дарёсининг

туҳфаси” деб тақидлаганига ва илмий адабиётларда Бухоро воҳаси “Қуйи Зарафшон воҳаси” деб юритилишига гувоҳ бўламиз.

REFERENCES

1. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент,1972. -Б.22.
2. Шульц В.Л. Гидрография Средней Азии. –Ташкент,1958. -С.59.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 жилд, 2002 йил, 675 бет.
4. Шульц В.Л. Гидрография Средней Азии. –Ташкент,1958. -С.57.
5. Тўраев Ҳ.Ҳ. Бухоро тарихи (ўқув қўлланма). –Бухоро:Дурдона,2020. -Б.53-54.
6. Шмидт М.А. Геологический и гидрогеологический очерк западной части Зеравшанскон котловины.— «Материалы по гидрогеологии и инженерной геологии УзССР». вып. V, Ташкент, -С.28.;
7. Шишкин В.А. Варахша. –М.,1963. -С.8.
8. Ситияковский Н. Ф. Заметки о Бухарской части долины Зеравшана.- ИТОРГО . Кн.1. вып. II. -Ташкент,1900. стр. 129.
9. Шишкин В.А. Варахша. –М.,1963. С.10.
10. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент,1972. -Б.25.
11. Нурматов К.Н. Экономические проблемы комплексного развития сельского хозяйства. -Ташкент,1961. -С.43.
12. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент,1972. -Б.26.
13. Дробов В.П. Река Махан-Дарья.—ИСАГО. Т. XX. -Ташкент,1932.-С.1-11.
14. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
15. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
16. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.

А. АРИПОВА

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мулоқот маданияти (pp. 913-921)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-168.%20913-921.pdf>

Ф. М. МУМИНОВ, З. М. МИРАТОВ

О нелокальной краевой задаче для одного неклассического уравнения (pp. 922-927)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-169.%20922-927.pdf>

ШАХНОЗА АХМЕДОВА

Хоровая культура: творчество, исполнительство и педагогика (pp. 928-932)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-170.%20928-932.pdf>

АЛИШЕР ТЎЛИС ЎҒЛИ ОЧИЛОВ

Бухоро воҳаси шаклланишида Зарафшон дарёсининг ўрни ва воҳа тарихий географиясига доир айрим мулоҳазалар (pp. 933-938)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-171.%20933-938.pdf>

ШУХРАТ ЗИЯВИТДИНОВИЧ МУХИТДИНОВ

Тадбиркорлик субъектларида хатарларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари (pp. 939-943)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-172.%20939-943.pdf>

HUMOYUNBEK ERALIYEVICH AKBAROV

О‘quvchilarga ingliz tilini o‘qitishda qo‘llaniladigan metodlar (pp. 944-950)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-173.%20944-950.pdf>

АЛИМА АЛИБЕКОВНА ЧЕГЕБАЕВА

Размеры пенсии в современных условиях жизни (pp. 951-956)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-174.%20951-956.pdf>

Х. П. КЕНЖАЕВА

Аёллар ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик институтларининг ўрни (pp. 957-961)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-175.%20957-961.pdf>

О. Ғ. ЮСУФЖОНОВ, Ж. Ғ. ҒАЙРАТОВ

Штамплаш жараёнида ишчи юзаларни ейилишга бардошлилигини оширишда мойлашни аҳамияти (pp. 962-966)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-176.%20962-966.pdf>

ABDUQANHOR ABDIRAXMON O'G'LI OMONOV

Havo yostiqli konveyerlarning F.I.K. ni oshirish (pp. 967-971)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-177.%20967-971.pdf>

АЛИШЕР БАКБЕРГАНОВИЧ ШЕРОВ

Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг АҚШ тажрибаси (pp. 972-978)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-178.%20972-978.pdf>

NURXON ADHAMJON QIZI ISMOILOVA

The Importance Cognitive Science to Linguistics (pp. 979-981)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-179.%20979-981.pdf>